

САМАРҚАНД ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ФОНД КЕНГАШИНИНГ

71-ЙИФИЛИШИГА

МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА



ЖАММИЯТ

№ 18 (988)
2026 йил
4 июнь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



«ҚИЛОЛ»

ЁПИҚ

КОРХОНАМИ?



МИЛЛАТНИНГ ЖОНКУЯР ЗИЁЛИСИ

Бир қарсангиз у дарс ўтаётган, сал ўтмай меҳмон кутаётган, тadbирларда қатнашаётган, интервью бераётган, бир қарсангиз, бошқа ҳудудларда чанқаб ётган дарахтларни суғораётган, кечки пайт вақт ажратиб талабалар уйида улар билан гурунглашаётган бўлади. Тиним билмайди...



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ



САМАРҚАНД ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ФОНД КЕНГАШИННИНГ 71-ЙИҒИЛИШИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА

Самарқанд шаҳрида Глобал экологик фонд (GEF) Кенгашининг 71-йиғилиши ўз ишнини бошлади. Ушбу тадбир GEF нинг VIII Ассамблеяси ҳамда “Есо Ехро Central Asia 2026” халқаро кўргазмаси арафасида ўтказилмоқда. Унда ГЕФга аъзо 186 мамлакат вакиллари, халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар, экологик агентликлар, фуқаролик жамияти ва хусусий сектор вакиллари иштирок этмоқда.



Бир неча кун давомида GEFнинг бошқарув органлари экологик ва иқлим лойиҳалари учун 200 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратиш масалаларини кўриб чиқадилар, шунингдек, 2026–2030-йилларга мўлжалланган ҳамкорликнинг дастурий йўналишларини муҳокама қиладилар. GEF, LDCF/SCCF ва GBFF кенгашлари йиғилишлари 2030-йилгача бўлган глобал экологик мақсадларга эришишни жадаллаштиришга бағишланган.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси, Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳақимов, Глобал экологик фонд бош директори ҳамда стратегия ва операциялар бўйича директори Клод Гаскон нутқ сўзлади.

Азиз Абдуҳақимов ўз нутқида GEF Ассамблеяси ва унга ҳамроҳ тадбирларнинг Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистон учун катта шараф эканлигини таъкидлади.

“Асрлар давомида Самарқанд турли китъалардаги инсонлар, маданиятлар ва ғояларни боғлаб келган. Бугун эса шаҳар яна бирлашув



нутқасига айланмоқда — энди умумий экологик муаммоларни ҳал этиш йўлидаги глобал ҳамкорлик маркази сифатида”, — деди у.

Шунингдек, Ассамблеянинг бу йилги мавзуси — “2030 йил учун сўнгги интилиш” — экологик инкироз кучайиб бораётган ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш учун вақт тобора қисқараётган шароитда айниқса долзарб экани кайд этилди.

Нутқда Ўзбекистон GEF билан узоқ йиллик

ҳамкорликни юксак қадрлаши таъкидланди. Ҳамкорлик йиллари давомида жамғарма мамлакатга биологик хилма-хилликни сақлаш, жумладан, қор қоплонини муҳофаза қилиш, Оролбўйи экотизимларини тиклаш, иқлимга чидамликни ошириш, ер ва чиқиндиларни барқарор бошқариш тизимларини такомиллаштиришда кўмаклашди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги GEF лойиҳалари портфели умумий қиймати 56 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 13 та лойиҳани ўз ичига олади. Бундан ташқари, қиймати 30 миллион доллардан ортиқ бўлган 5 та янги лойиҳа портфели ҳам шакллантирилган.

Кенгаш йиғилишлари давомида океанлар ва биохилма-хилликни сақлаш, барқарор инфратузилмани ривожлантириш, иқлим ўзгаришига мослашиш ҳамда аралаш молиялаштириш механизмларини жорий этишга оид лойиҳалар муҳокама қилинади. Хусусан, қайта тикланувчи энергетика ва энергия сақлаш тизимлари, жумладан, Ўзбекистон учун мўлжалланган ташаббуслар ҳам кўриб чиқилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, GEF-9 дастурий стратегиясини тасдиқлаш, энг кам ривожланган мамлакатлар ва кичик орол давлатларини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларини жорий этиш масалалари ҳам кун тартибидан ўрин олган.

Фуқаролик жамияти ва маҳаллий ҳамjami-ятларнинг экологик мақсадларга эришишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилади. Ассамблея арафасида Самарқандда GEF фуқаролик жамияти ташкилотлари Форуми ҳам ўтказилади.

GEF VIII Ассамблеясининг расмий очилиш маросими бугун — 4-июн куни Самарқандда бўлиб ўтади.

Табиат — инсонга берилган энг буюк неъматлардан бири. Ўрмонлар эса табиатнинг нафаси, ернинг ўпкаси ҳисобланади. Бир туп дарахт йил давомида ўнлаб инсонлар нафас олиши учун зарур бўлган кислород ишлаб чиқаради.

Шу сабабли бугун дунё бўйлаб ўрмонларни сақлаш ва уларни табиий тикланишига кўмаклашиш масаласи энг муҳим экологик вазифалардан бирига айланди. Сўнгги йилларда ер юзида ҳар йили ўртача 10 миллион гектарга яқин ўрмон майдони қисқариб бормоқда.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бир гектар етук ўрмон йилига тахминан 6-8 тонна кислород ажратади ва 5 тоннадан ортиқ карбонат ангидрид газини ютади. Демак, ҳар бир кесилган дарахт нафақат табиатга, балки инсон саломатлигига ҳам таъсир кўрсатади. Ўрмонларни табиий тикланишга кўмаклашиш деганда фақат кўчат экиш эмас, балки табиатнинг ўзини ўзи қайта тиклаш жараёнига ёрдам бериш тушунилади.

Бу борада Каттақўрғон давлат ўрмон хўжалигида ҳам манзилли ишлар олиб борилмоқда, 1000 гектар майдондаги ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, 500 гектар майдонда яйловларни қайта тиклаш, 600 гектар майдон-



ЯШИЛ МЕРОС

ҳамда иқлим ўзгариши таъсирини камайитиришга хизмат қилади. Экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар турини кенгайтириш мақсадида Мойбулоқ ўрмон бўлимида 40 гектар Энамяхши бўлими-

ҳамда иқлим ўзгариши таъсирини камайитиришга хизмат қилади. Экологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар турини кенгайтириш мақсадида Мойбулоқ ўрмон бўлимида 40 гектар Энамяхши бўлими-

да 20 гектар майдонда бодом плантациялари ташкил этилди. Ўрмон ҳудудларини ноқонуний кесиш ва ёнғинлардан ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бир дона катта дарахтнинг тўлиқ вояга етиши учун ўртача 20-30 йил вақт керак бўлади. Агар ўрмон ҳимоя қилинса, ерга тушган уруғлар табиий равишда униб чиқади ва янги ниҳоллар пайдо бўлади. Бу борадаги назорат ишларимиз ҳам ижобий натижалар бермоқда.

Масалан, муҳофаза қилинган ҳудудларда табиий тикланиш даражаси 40-60 фоизгача юқори бўлиши кузатилган. Бу эса сунъий равишда кўчат экиш харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Кўчат экиш ва парвариш ишлари табиий тикланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили мил-

лионлаб кўчатлар экилади. Бир гектар майдонга ўртача 1 500-2 000 туп кўчат жойлаштирилади. Аммо кўчат экишнинг ўзи етарли эмас. Уни суғориш, зараркунандалардан ҳимоя қилиш ва парваришлаш ҳам катта аҳамиятга эга.

Ўрмонлар нафақат ҳавони тозалайди, балки тупрокни шамол ва эрозиядан сақлайди. Бир гектар саксовулзор йилига минглаб тонна кум кўчишининг олдини олиши мумкин. Шу боис қурғоқчил ҳудудларда саксовул, қарағай ва бошқа чидамли дарахт турларини экиш ишлари кенгаймоқда.

Яшил ҳудудлар ҳаво ҳароратини ўртача 2-3 даражага пасайтириш имконига эга. Бу эса иқлим ўзгаришига қарши курашда муҳим омил ҳисобланади. Аҳоли ўртасида экологик маданиятни ошириш ўрмонларни асраш фақат давлат ташкилотларининг вазифаси эмас. Бу — ҳар бир инсоннинг бурчи. Мактабларда экологик дарслар ташкил этиш, оммавий дарахт экиш акцияларини ўтказиш ва ёшларда табиатга меҳр уйғотиш орқали катта натижаларга эришиш мумкин.

Алишер ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Каттақўрғон давлат ўрмон
хўжалиги директори



МИЛЛАТНИНГ ЖОНКУЯР ЗИЁЛИСИ

Шерзодхон Қудратхўжани ҳар бир киши ўзича кашф қилиши, шубҳасиз. Биров унинг касб фаолияти, бошқа биров эса ижтимоий тармоқдаги чиқиши ёки интервьюларига қараб баҳо беради, муносабатини изҳор қилади. Камина эса у билдирган икки фикр ҳақида тўхталаман.

Биринчиси, бугунги медиа тили билан айтганда, катта шов-шувга сабаб бўлган интервьюсида айтган фикрларини эслайсизми? Унда Шерзодхон Қудратхўжа блогернинг турли саволларига жавоби қаторида ҳеч бир мамлакат номини тилга олмаган ҳолда юртимизга бўлган босқиннинг асл моҳиятини, шу билан бирга ўзбек тилининг давлат тили эканлигини рус тилида берган интервьюсида умуман бошқа миллат мутафаккири айтган фикри асосида исботлаб берди. Ўшанда мустамлакада яшаш тафаккури йўқолмаган, айниқса, давлат тилида гапиришни истамайдиган собиқ босқинчи давлат манфаатларига хизмат қилаётганлар “этироз паради”ни уюштирдилар. Сопини ўзидан чиқаришга ўрганган ўша ҳукумат расмийлари маҳаллий манкуртлар “доди”га “асосланиб” сиёсий хуруж уюштирдилар.

Бундай ҳужумларнинг асосий мақсади битта: ҳақиқатни айтган зиёлининг обрўсини тушириш, уни жамоатчилик назарида ёлғиз қолдириш ва бошқаларни огоҳлантириш эди. Аммо бугунги Ўзбекистон мустамлакада қолган Туркистон эмас. Шукрки, анчагина ўзгарди. Тарих эса бир ҳақиқатни эслатди: миллатни кул қилиш учун, аввало, унинг фикрловчи зиёлилари нишонга олинади. Шунинг учун ҳам ҳар бир давр ўз зиёлисини асраши, унинг сўзини эшитиши ва қадрлаши шарт. Шу йўлда ўзбек халқи ўз зиёлисини ҳимоя қилишни, тарихдан сабоқ чиқаришни ўрганмоқда. Зиёли жамоатчилик Шерзодхон Қудратхўжани муносиб ҳимоя қилдими? Унинг бир вакили сифатида ҳа, дея жавоб бергим келди.

Иккинчиси, Шерзодхон Қудратхўжа бир подкастда Ўзбекистоннинг ҳам ўз атом бомбаси бўлиши кераклигини айтди. Буни баъзилар нотўғри деди. Сабаб қилиб Эрон атоми ва унга қарши атом бомбасига эга гегемон давлатларнинг муносабати,



тажовузи келтирилди. Тўғри ҳавотир, лекин ўзбек давлатчилигини ҳам бу дунёда сақлаб турадиган, майлига, атом бомба деб атамайлик, ўзи ишлаб чиқарган қудратли қуроли бўлиши зарурати ҲАҚИҚАТ эмасми? Мустақил давлат ўзини ҳимоя қила оладиган салоҳиятга эга бўлмаса, унинг мустақиллиги қоғозда қолиб кетиши мумкин. Демак, гап миллий муҳофаа саноати, технологик мустақиллик, душман кўз билан қараган кучларни стратегик кўрқитиб туриш имконияти ва “биз ўзимизни ҳимоя қила оламиз” деган давлат иродаси ҳақида кетмоқда.

Тарих бир ҳақиқатни қайта-қайта исботламоқда: қурол ишлаб чиқара олмайдиган миллат охир-оқибат бошқалар ишлаб чиқарган қурол соясида яшашга мажбур бўлади. Бу гапни Тойлок туманида Амир Темур таваллуд муносабати билан ташкил этилган илмий-амалий анжуманда айтдим ва яна бир бор такрорламоқчиман. Ахир Соҳибқирон мамлакатни ниманинг ҳисобига буюк қилди ва у қурган салтанат не сабабдан бошқалар мустамлакасига айланди? Албатта, жадидлар айтмоқчи, омиллари кўп, лекин... Ўзбекистон ўзининг замонавий муҳофаа технологиясига, миллий ҳарбий саноатига, интеллектуал ва стратегик қудратига эга бўлиши керак, деган фикр давлатчилик нуқтаи назаридан мутлақо табиий қарашдир. Чунки бугунги дунёда тинчликни фақат яхши ният эмас, куч ҳам муҳофаза қилади. Халқаро

муносабатлар тизимида бир ачиқ ҳақиқат бугун яққол кўришиб қолди: кучсиз давлатнинг ҳақиқати аксар ҳолатларда эшитилмаяпти. Геосиёсатда ахлоқ, ҳуқуқ ва адолат муҳим омил бўлса-да, хавфсизлик масаласида асосий ҳисоб-китоб барибир куч мувозанатига бориб тақалмоқда.

Қудратли қуролнинг мавжудлиги бу “тегсанг, жавоб қайтариш имкониятим бор” деган стратегик огоҳлантиришдир. Сиёсат тилида бу, адашмасам, “тийиб туриш механизми” деб аталади. Энг муҳими, Шерзодхон Қудратхўжа билдирган фикрни “урушсеварлик” ёки “тажовузкорлик” сифатида эмас, балки бугунги беқарор дунёда миллий хавфсизлик кафолатлари ҳақидаги хулоса сифатида тушуниш керак.

Бундай фикрни ҳар қандай одам эмас, балки катта геосиёсий билимга эга шахс айта олади. Чунки ядровий қурол ҳақида фикр билдириш учун фақат ҳарбий эмас, тарихий, дипломатик ва цивилизацион тафаккур ҳам керак бўлади. Бундай инсон дунё харитасига фақат чегаралар эмас, манфаатлар тўқнашуви нуқтаи назаридан қарайди.

Шунингдек Шерзодхон Қудратхўжанинг оммавий ахборот воситалари тарихига ёзиладиган меҳнатлари ҳам айтилиши, қадрланиши зарур.

Аввало, Халқаро Пресс-клубнинг ташкил этилиши ва эл оғзига тушишида унинг ҳиссаси катта деб биламан. 2016 йилдан кейинги очиқлик сиёсатини амалга оширишда мазкур клуб бошқа ОАВ журналистлари учун майдон вазифасини бажариб, ҳокимият вакиллари муҳим ва долзарб саволларни беришларида имконият яратди. Ҳаммага, айниқса, баъзи раҳбарларга ёқмас-да, бу ҳаракатлари билан уч ҳокимият вакилларининг халққа

ҳисоб бериши заруратини аналитди.

Президент қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг биринчи ректори сифатида амалга оширган ишлари ҳам таълим ва ҳам ОАВ тарихида алоҳида тилга олинаши муқаррар. Саккиз йиллиги нишонланаётган мазкур олий таълим муассасаси ҳақида айни кунларда айтилаётган эътирофлар фикримизга далил бўла олади. Бу ишлар моҳир ташкилотчилик, зукко раҳбарлик, меҳрибон, лекин қатъиятли устозлик сифатларини талаб этади. Айниқса, эркин сўз айтишга интилаётган ёш талаба-журналистлар билан ишлашнинг ўзига хос машаққатини баъзи журналистика факультети мавжуд университетлар ректорларини ҳисобга олмаганда, ҳамма ҳам бирдек тушунавермайди, танасида ҳис қила олмайди, албатта. Бир қарасангиз, у дарс ўтаётган, сал ўтмай меҳмон кутаётган, тадбирларда қатнашаётган, интервью бераётган, бир қарасангиз, бошқа ҳудудларда чанқаб ётган дарахларни суғораётган, кечки пайт вақт ажратиб талабалар уйида улар билан гурунглашаётган бўлади. Тиним билмайди...

Алқисса, Шерзодхон Қудратхўжа нафақат журналист ёки раҳбар, балки миллат тақдири, давлат мустақиллиги ва миллий тафаккур масалаларида ўз қатъий позициясига эга зиёли сифатида намоён бўлмоқда. Унинг тил, давлатчилик, миллий хавфсизлик ва эркин матбуот ҳақидаги фикрлари жамиятда турли муносабат уйғотиши табиий, чунки ҳақиқий зиёли доимо баҳс марказида бўлади. Аммо мозийга назар ташласангиз, кўринадик, миллат келажаги учун қайғурадиган, халқни уйғотадиган ва оғрикли ҳақиқатларни айтишдан қўрқмайдиган инсонлар ҳар қандай даврда қадрлидир. Шундай экан, бундай жонкуяр зиёлиларнинг меҳнати ва фикрий жасоратини англаш, уларни қўллаб-қувватлаш жамият тараққиётининг муҳим шартларидан бири бўлиб қолаверади.

Ҳалим САИДОВ,
филология фанлари доктори, профессор



МАҲАЛЛА ЁШЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ КУНИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик янги босқичга кўтарилган. Президентимиз ташаббуси билан ҳар пайшанба куни “Ёшлар куни” деб белгиланиши эса ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ҳаётидаги фаоллигини ошириб, уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамламоқда.

Шу эзгу ишлар доирасида Самарқанд шаҳридаги “Дарғом”

Учрашувда ёшларга яратилаётган имкониятлар, олий таълим тизимидаги янгиликлар, таълимдаги шаффоқлик, давлат грантлари ва замонавий билим олиш имкониятлари ҳақида фикр алмашилди. Шунингдек, фаол ёшлар ва педагогларга китоблар совға қилиниб, китобхонлик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир давомида 58-мактаб ўқувчиларининг ютуқлари ҳам алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ўқувчиларнинг чет эл грантларини юқори балл билан қўлга киритаётгани ва муддатидан олдин талаба бўлаётгани қайд этилди. Бугунги кунда ушбу таълим муассасасининг 110 нафар иқтидорли битирувчиси нуфузли олийгоҳларда таҳсил олаётгани катта ютуқ сифатида баҳоланди.

Бугун пайшанба — маҳалла ёшлари учун нафақат сеvimли кун, балки янги имкониятлар, билим ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётган муҳим кунга айланди. Ёшларга яратилаётган бундай шарт-шароитлар мамлакатимиз келажакнинг мустаҳкам пойдевори эканини яна бир бор намоён этмоқда.

Жаҳонгир РАҲМАТОВ,
Самарқанд шаҳридаги
“Дарғом” маҳалласининг ёшлар
етакчиси



Бу ташаббус ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт, китобхонлик, илм-фан ва касб-хунарга кенг жалб қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Самарқанд шаҳридаги “Дарғом” маҳалласида бугунги кунда 1000 дан зиёд ёшлар истиқомат қилади. Ҳар пайшанба куни маҳаллада турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий учрашувлар, китобхонлик кечалари ва интеллектуал ўйинлар ташкил этилмоқда. Жумладан, яқинда ўт-

казилган мини-футбол мусобақасида 8 та жамоа ва 80 нафар ёш иштирок этди. “Заковат” интеллектуал ўйинлари ҳамда китобхонлик тадбирлари эса ёшларнинг билимга бўлган қизиқишини янада оширмоқда.

Айниқса, маҳаллада ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш ва бўш вақтини самарали ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Бу каби ташаббуслар ёшларнинг жамият

маҳалласида жойлашган 58-мактабда ҳам муҳим учрашув ташкил этилди. Унда ЎЗЛИДЕП вилоят Кенгаши раиси ва вилоят Кенгаши депутати Илҳом Ботиров, вилоят Кенгаши депутати ва тадбиркор Акбарали Қаюмов ҳамда партия фаоллари иштирок этди. “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасидаги “Бир кунда – 1000 китоб” акцияси асосида ўтказилган мазкур тадбирда педагоглар ва ёшлар билан очик мулоқот бўлиб ўтди.

ТАБИАТ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК



Бугунги кунда иқлим ўзгариши нафақат экологик, балки иқтисодий ва ижтимоий муаммога ҳам айланиб улгурди. Сўнгги йилларда дунё бўйлаб кузатилаётган кескин исиш, қурғоқчилик, сув танқислиги, музликларнинг эриши, ўрмон ёнғинлари ва табиий офатлар сонининг ортиши иқлим ўзгаришининг аниқ белгиларидир.

Мутахассислар фикрича, атмосферага чиқарилаётган зарарли газлар, саноат ва транспорт чиқиндилари ҳамда табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш бу жараёни янада тезлаштирмоқда.

Иқлим ўзгариши Марказий Осиё давлатлари, хусусан Ўзбекистон учун ҳам жиддий

хавфлардан бири ҳисобланади. Сув ресурсларининг камайиши, чўлланиш жараёнининг кучайиши ва ҳаво ҳароратининг ортиши қишлоқ хўжалиги, аҳоли саломатлиги ва экологик барқарорликка салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, Орол денгизи фожиаси бутун минтақа учун экологик муаммонинг оғир оқибатларини намоён этмоқда.

Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси

доирасида миллионлаб дарахт ва буталар экилаётгани ҳам экологик барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, сув ва энергияни тежаш, чиқиндиларни камайтириш, дарахт экиш ва экологик маданиятни шакллантириш — ҳар биримизнинг келажак олдидаги бурчимиздир.

Зеро, табиатни асраш — келажакни асраш демакдир. Иқлим ўзгаришига қарши курашда барчамизнинг биргаликдаги ҳаракатимизгина самара беради.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати



Тошкент шаҳридаги Марказий Осиё экология ва атроф-муҳит тадқиқотлари марказида “Марказий Осиёда чўлланишга қарши курашиш технологиялари” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.

Дастлаб меҳмонлар Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Миллий дендрология боғида бўлишиб, бу ерда амалга оширилаётган кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишишди. Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Ўрмон агентлиги директори Эркин Муҳиддинов меҳмонларга бу ерда олиб борилаётган ишлар, ҳудудда яратилаётган суғориш тизимларидан тортиб, экилаётган дарахт ва бута турлари, уларнинг парвариши жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатнинг барча ҳудудларида худди шундай умумий ер майдони 100 гектардан кам бўлмаган Миллий дендрология боғлари барпо этилиши мақсад қилинган, – деди Э.Муҳиддинов. – Бундан кўзланган асосий мақсад, республика ҳудудларида атмосфера ҳавоси тозаллигига эришиш, фавқулодда содир бўладиган чанг ва қум бўронларининг олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш ва аҳоли учун соф экологик шароитлар муҳити яратишдан иборатдир. Аминмизки, яқин йилларда кўриб гувоҳи бўлаётганингиз ушбу дендрология боғи ҳам пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар севиб дам оладиган чинакам сўлим масканга айланади».

ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ СЎЛИМ МАСКАНГА АЙЛАНАДИ



Шунингдек, тадбир иштирокчилари Дархон илмий тажриба станциясида ҳам бўлишди. Меҳмонларга бу ерда етиштирилаётган ноёб турдаги дарахт ва бута кўчатлари, олиб борилаётган агротехник тадбирлар ва жорий этилаётган инновацион ечимлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Шундан сўнг, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши университетиди халқаро илмий-амалий семинарнинг якуний тадбири бўлиб ўтди. Унда сўз олганлар ушбу семинар

барча иштирокчилар учун соҳага оид билим ва малака ошириш, ўзаро тажриба алмашиш, ўрмонлар барпо этиш ва чўлланишга қарши курашиш бўйича илғор инновацион ечимларни ягона нуқтада бирлаштирган платформа вазифасини ўтаб берганлигини алоҳида эътироф этишди.

Яқунда халқаро илмий-амалий ўқув семинари иштирокчиларига сертификатлар топширилди.

Ветеринария

ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШУВ



Мамлакатимизда ветеринария соҳасини ривожлантириш, айти йўналишда инновацияларни кенг жорий этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида ҳайвонлар соғлиги билан бирга, уларнинг эгалари хотиржамлигини ҳам таъминлайди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 мартда

қабул қилинган Фармони соҳада амалга оширилаётган ишлар пойдевори саналади. Унда, аввало, ветеринария хизмати мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Шу билан бирга, мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш вазифалари белгиланган.

Маълумки, уй ҳайвонларида касалликлар, асосан, уларнинг тури, яшаш шароитли ва парваришlash усулларига боғлиқ. Аҳоли уйларида сақланадиган ҳайвонлар сирасига кирувчи мушук ва итларда энг кўп учрайдиган касалликлардан бинфекционсион касалликдир. Бунга парвовирус, лептоспироз ва панлеукопения кабилар киради. Шунингдек, уй ҳайвонларида паразитлар ҳам кенг тарқалган муаммо ҳисобланади. Шу боис замонавий диагностика усуллари орқали касалликларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу усуллар, асосан,

ҳайвонлар соғлигини баҳолаш ва касалликларни эрта босқичда аниқлашга қаратилган ҳамда ҳайвонларнинг иммун тизимининг ҳолати, инфекция касалликлар мавжудлигини ва бошқа метаболлик жараёнларни ўрганишга имкон беради. Шу боис фуқаролар ўз ҳайвонларининг соғлиғи ҳақида тўғри маълумот олишлари, уларга керакли даволаш ва парвариш чораларини кўришларида бу чин маънода ёрдам беради. Лаборатория таҳлиллари уй ҳайвонлари касалликларини аниқлаш, ва даволаниш жараёнини оптималлаштиришда ажралмас элемент ҳисобланади. Бу жараёнлар ветеринария тиббиётининг муҳим қисмидир. Лаборатория таҳлиллари таҳлиллар орқали касалликларни эрта босқичда аниқлаш, тўғри диагностика кўйиш ва даволаш режасини ишлаб чиқиш имкониятлари яратилади. Шунингдек, бу ветеринария мутахассисларига касалликларнинг тарқалишини кузатиш ва профилактика тадбирларини амалга оширишда ёрдам беради.

Яна бир муҳим жиҳат – ҳужжатда ҳайвонлар касалликларига ташхис кўйиш ишларида энг замонавий ва тезкор усулларни жорий этиш бўйича тегишли чора-тад-

бирлар ҳамда вазифалар назарда тутилган.

Бугун ветеринария тиббиётида замонавий дори-дармонлар, иммунотерапия ва ген терапияси каби янги технологиялар қўлланилмоқда. Дори-дармонлар ёрдамида касалликларни назорат қилиш, уларнинг аломатларини камайтириш ва ҳайвонларнинг ҳаёт сифатини ошириш мумкин. Иммунотерапия эса уй ҳайвонларининг иммун тизимини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, маълум бир касалликларга қарши курашишга ёрдам беради.

Мамлакатимиз ветеринария тиббиётида бу каби серкирра имкониятлар ўз самарасини бериб келмоқда. Касалликларнинг олдини олиш, диагностика қилиш ҳамда даволашда самарадорлик ошмоқда. Бу эса соҳани замон талаблари жиҳатдан мустаҳкам асосга эга бўлиб бораётганидан далолат.

Хадича НАРЗУЛЛОЕВА,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети – Тошкент филиали
Лаборатория ва диагностика йўналиши 5 курс талабаси



Миллатлараро тотувликни таъминлаш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар амалий натижаси сифатида Ўзбекистон Миллий университетида хорижлик талабалар фестивали бўлиб ўтди.

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бугунги глобаллашув шароитида дунё миқёсида кечаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар фонидида жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш стратегик аҳамиятга эга масалага айланди. Ўзбекистон Республикасининг янги тараққиёт босқичида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган бағрикенглик маданияти нафақат ички барқарорликни сақлаш, балки халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий имижини шакллантиришда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, олий таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг минтақавий «таълим хаби»га айланиш сари ташлаётган қадамлари хорижлик талабалар оқимининг сезиларли даражада ошишига замин яратди. Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган хорижлик талабалар фестивали шунчаки маданий тадбир эмас, балки мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг амалий самараси, таълим дипломатиясининг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлмоқда. У турли маданият вакиллари ўртасида интеграциялашув жараёнларини тезлаштириш, ёшлар онгида умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ҳамда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» ғоясининг ҳаётийлигини халқаро миқёсда исботлашга хизмат қилади. Олий ўқув юрларида халқаро талабалар контингентининг кенгайиши таълим сифатини жаҳон стандартларига мослаштириш билан бир қаторда, миллатлараро тотувликни таъминлашнинг ўзига хос ижтимоий-маданий платформасини яратади. Шу нуқтаи назардан, фестивал доирасида намоён этилган миллий анъаналар, маданий алоқалар ва академик ҳамкорлик масалалари Ўзбекистонда кечаётган демократик янгиланишларнинг нақадар чуқур ва инсонпарварлик тамойилларига асосланганлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Миллий университети жамоаси томонидан «Бир оила – турфа маданият – ягона келажак» шиори остида ташкил этилган, тадбир нафақат университет ҳаётида, балки мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ислохотлари доира-

сида ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим. Мазкур фестивал Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 15-ноябрдаги «Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган устувор вазифаларнинг амалдаги натижаси ҳамда тизимли ислохотларнинг ёрқин ифодасидир. Концепциянинг бош мақсади жамиятимизда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ришталарини янги босқичга олиб чиқишдан иборат экан, ушбу фестивал ҳам мана шу эзгу ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун ўзига хос маданий-маърифий майдон бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, «Халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик – тараққиётимизнинг мустаҳкам пойдеворидир» ва айнан Сиз каби ёшлар бугун ушбу пойдеворни янада мустаҳкамлаётган таълим дипломатиясининг ҳақиқий элчилари ҳисобланасиз. Ўзбекистон Миллий Университети халқаро алоқалар бўйича проректори Комил Иноқов ва университет жамоаси илк бор республика миқёсида ўтказилаётган ушбу йирик лойиҳа ўз миллий қадриятларининг кенг тарғиб қилиш билан бирга, глобал дунёда ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик маданиятини шакллантириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11-сентябрдаги Фармон билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясининг 100 та муҳим мақсадидан бири сифатида жамиятда миллатлараро тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилаётган хорижлик талабалар фестивали мазкур стратегик мақсадларнинг амалий ва илмий инъикоси ҳисобланади. Стратегия доирасида миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-оммабоп мақолалар сонини 3 бараварга ошириш, дўстлик жамиятлари сонини 60 тага етказиш ҳамда биродарлашган шаҳарлар кўламини 2 бараварга кенгайтириш бўйича белгиланган кўрсаткичлар



олий таълим муассасалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди. Хусусан, ушбу фестивал доирасида амалга оширилаётган мулоқотлар «Ёш китобхон» танловини қорақалпоқ, тожик, қозоқ, рус, қирғиз ва туркман каби 6 та тилда ўтказиш ҳамда хорижий тилларда таълим берилаётган муассасаларнинг бадиий адабиётлар фондиди 2 бараварга бойитиш каби гуманитар мақсадлар билан узвий боғлиқдир. Ушбу жараёнлар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда, университет нафақат таълим маскани, балки маданий дипломатия ва миллатлараро интеграцияни таъминловчи фундаментал платформа сифатида намоён бўлади. Стратегияда белгиланган «Очиқлик ва бағрикенглик» тамойили асосида ташкил этилган мазкур тадбир хорижлик талабалар учун ўз иқтидори ва миллий ўзлигини намоён этиш имконини бериш билан бирга, биродарлашган шаҳарлар ва хорижий ҳамкор олий таълим муассасалари билан алоқаларни янги сифат босқичига олиб чиқади. Бинобарин, фестивал доирасида шаклланган дўстлик ришталари ва илмий-ижодий алмашувлар мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги нуфузини оширишга, таълим соҳасидаги экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда стратегик мақсадларда назарда тутилган миллатлараро тотувликнинг барқарор моделини яратишга хизмат қилади. Бундай кенг кўламли амалий саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг 2030-йилга қадар бўлган тараққиёт йўлида маърифатпарварлик ва халқаро ҳамжиҳатликнинг энг юксак намунасини кўрсатаётганидан далолат беради.

«Бир оила – турфа маданият – ягона келажак» ғояси остида ўтган мазкур тадбир нафақат маданий томоша, балки олий таълим муассасаларида таълим дипломатиясини ривожлантиришнинг муҳим босқичи сифатида эътироф этилади. Фестивалнинг очилиш маросимида университетнинг халқаро алоқалар бўйича проректори Комил Иноқов сўзга чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон халқаро таълим марказига айланиб бораётганини, бу эса ўз навбатида турли миллат вакиллари бўлган ёшлар ўртасида

интеграциялашувни кучайтиришни илмий-амалий жиҳатдан асослаб берди. Ташкил этилган тадбир доирасида куйидаги натижаларга эришиш мумкин.

Турли мамлакатлардан келиб таҳсил олаётган талабалар томонидан намоён этилган миллий куй-кўшиқлар ва рақслар маданиятлараро конвергенция жараёнини акс эттирди. Бу, ўз навбатида, талабалар орасида этник стереотипларни енгиш ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Иштирокчилар томонидан тайёрланган миллий таомлар кўргазмаси халқларнинг қадриятларини тушунишда муҳим восита бўлиб хизмат қилди. Зеро, моддий маданият намуналари орқали халқаро мулоқотни ўрнатиш ижтимоий барқарорликнинг энг самарали усулларида биридир.

Фестивал давомида нафақат маданий, балки келгусида «Заковат» интеллектуал ўйинлари, илмий-инновацион танловлар ва спорт муسابакаларини ўтказиш бўйича келишувларга эришилгани стратегик мақсадлардаги «Дўстлик жамиятлари сонини кўпайтириш» вазифаси билан тўла мос келади. Бундай фестивалларнинг ўтказилиши жамиятда «юмшоқ куч» механизмларини ишга солиш орқали мамлакатнинг халқаро имиджини юксалтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаётган хорижлик талабалар келажакда ўз юрларида Ўзбекистоннинг маданий элчилари бўлиб шаклланадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур тадбир Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги ислохотлар қоғозда эмас, балки жонли мулоқот ва амалий фаолиятда ўз тасдиғини топаётганининг ёрқин далилидир. Фестивал доирасида ўрнатилган дўстлик ришталари «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида назарда тутилган очиклик, бағрикенглик ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшади.

Миркомил АТАВУЛЛАЕВ,
ЎЗМУ ижтимоий фанлар
факултети доценти, фалсафа
доктори (PhD), доцент



МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати – Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси

«НАЖОТ МАЪНАВИЯТДА»

Биз одатда маънавиятли инсон деганда кўп тилни биладиган, чиройли гапирадиган, театр ва концертларга борадиган, хушмуомалали кишиларни тасаввур қиламиз. Лекин ҳақиқий маънавият бу воқеликдан анча чуқурроқ.

нималар қилиш кераклиги тўғрисида ўз таклифларини беради.

Назаримда, ҳар қандай иллат оилада ибрат йўқлигидан юзага келади. Назорат қилинмаган ҳаракат иллатни кучайтиради. Гуноҳнинг жазоланмаслиги унинг авж олишини таъминлайди. Демак, жамиятда тегишли қонунлар баробарида тартиб-интизом ҳам шаклланиши зарур ва бу тартиб-интизом миллий менталитетга айланмас экан, у жамиятга наф бермайди. Ривожланган давлатлар – АҚШ, Германия, Швейцария, Япония, ҳатто Хитойдаги тажрибалар фикримнинг исботидир.

Самарқанд илмий муҳити азалдан маърифат, маънавият тарғиботчиси ҳисобланган. Профессор Ф.Набиев ҳам ана шу йўлдан бориб, мунтазам ўрганишлар ўтказди. Маҳалла ва хонадонларда, жамоат жойларидаги кузатувларидан хабарим бор. Шунинг учун ҳам монографиядаги ҳар битта тадқиқот илмий-амалий жиҳатдан асосланган, хулосалар ҳам бугунги сиёсатимизда қўлланиши зарур бўлган моддалардир. Умуман, кейинги пайтда олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар, хусусан, маънавият дарслари соатларининг қисқариб кетиши жараёнида Самарқанд давлат университетида бу предметнинг чуқурлашуви қувонарли ҳолдир. Ана шу жараён ташаббускорларидан бири Ф.Набиевнинг «Нажот маънавиятда» монографияси кўпчилик учун ибрат ва дастуриламал бўлишига ишонаман.

Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-610
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



давомида ўрганиб, таҳлил қилиб, арзирли хулосаларга келган. Муаллиф маънавиятнинг жамиятдаги ўрнини белгилашда ҳам жиддий таклифларни ўртага ташлаган. Жумладан, маънавий қашшоқликнинг асосий сабаби оила инқирози билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Назаримда, ўзбек халқ мақоллари маънавий сабоқнинг энг олий кўриниши. Фақат биз уни яхши ўқимаймиз, ундан хулоса чиқармаймиз. Ҳатто бугун китоб дўконларида ҳам миллий халқ мақоллари – мизни топиш мушкул.

Муаллиф ўз тадқиқотларида маънавиятга бевосита таъсир қиладиган манбаларни келтириб ўтади. Энг аввало, таълим-тарбия уйғунлиги, «ҳалоллик вакцинаси», маънавий тақлидга қарши иммунитетни шакллантириш, бунда раҳбарнинг ўрни, бахт формуласи, адолат каби мавзуларда.


Ф.Набиевнинг фикрича, маънавиятга эътиборнинг пасайиши сабабларидан бири у доимо фидойилик асосида шаклланади деган фикрнинг мавжудлигидир. Бугун инсониятга таҳдид қилаётган яна бир ҳолат бефарқлик кайфияти, ахлоқсизлик балоси ва нафсдир.

Олим инсон руҳиятидаги ана шундай камчиликларни тўлдириш учун

Хусусан, профессорлар Иброҳим Йўлдошевнинг «Ҳимматнинг қиймати», Мансур Бекмуродовнинг «Фаросат илми» каби китобларида инсон маънавияти унинг миллий менталитети асосида шаклланиши исботлаб берилган. Яна бир нарсага ишонч ҳосил қилдимки, шахс маънавияти тарғибот орқали шаклланмайди, балки ибратни у ўзига эҳтиёж деб билади.

Профессор Фарход Набиев ҳам ана шу йўлдан борган ва бугунги кунда кўзга ташланиб қолган маънавий қашшоқликнинг сабабларини йиллар





«ХИЛОЛ»

ЁПИҚ КОРХОНАМИ?

Аввалроқ ижтимоий тармоқлардан бирида колбаса маҳсулотлари саратон касаллигини пайдо қилиши мумкинлиги ҳақида хабар берилган эди. Бунга мутахассис шифокорлар нима деркинлар дея сайтларни кузатиб турдим. Икки ой ўтди. Афсуски, ваҳимали хабар ҳақиқатга яқинми ё узоқми, бирон бир киши лом-мим демади. Мен пойтахт дўконларида сотилаётган колбаса маҳсулотларининг қайси сифатли-ю, истеъмолчилар талабига жавоб бермайдигани қайсилари эканлиги билан қизикдим.

Аммо, аниқ жавоб ололмадим. Ким қайси корхона маҳсулотини сотаётган бўлса, ўшани мақтайди. Сотувчининг маҳорати шунда-да. Таниш-билишларимдан ҳам жўяли бир гап чиқмади. Газета таҳламлигини варақлай туриб, “Хуррият”нинг 2025 йил 29 октябр сонида Ўзбекистон Миллий университети журналистика ва ўзбек филологияси факультети талабаси Лайло Абдуҳакимованинг “Алпомишни колбасага айлантганлар” номли мақола-сига кўзимиз тушди. Ўқидим. “Бахт”, “Шерин”, “Алпомиш” номли колбасалар телевидение рекламаси талабларига зид равишда бачкана ва мантисиз тарғиб қилинаётганлигини бошлаб танқид қилибди. Бундан илҳомланиб изланишда давом этдим. Биров “Шаршара” маҳсулотларини мақтаса, бошқаси ўргача дейди. “Аввалгидай эмас, айниган” жавоб беради бошқаси. Кимдир қайси бири қиммат бўлса, ўша сифатли дейди. Уларни ҳам суриштирдим. “Хуррият”да танқид қилинган колбасалар қиммат ҳисобланар экан. Сифатига келганда бировнинг мамнуният билан “зўр” ёки “яхши” деганини эшитмадим. Хуллас, биров у, биров бу деди. Таниш бўлиб қолган сотувчи эса “Хилол” маҳсулотларини мақтаб қолди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, пойтахт озиқ-овқат дўконларида бу маҳсулотнинг бирон бир турини кўрмадим. Ҳатто, “Корзинка”, “Хавас” ва бозорлардан ҳам топмадим. Уни фақат “Шаршара” дўконларидан топишингиз мумкин деб қолди бир сотувчи. Шундай дўконнинг биттаси “Фарход” бозори ёнида экан. “Ҳозир келмаяпти”

гапни қисқа қилди сотувчи аёл. Юнусободдаги шундай дўкон бекилибди. Авиасозлар бозори рўпарасидаги “Шаршара” дўконидан ҳам юқоридаги жавобни эшитдим. Корхонанинг манзили ва телефонини интернетдан кидириш ҳам бефойда бўлди. Ҳафсалам пир бўлиб турганда ижтимоий тармоқдан “Хилол”нинг инстаграм саҳифаси чиқиб қолди.

Биринчи лавҳа: Корхона биноси олдида қатор турган энгил автомобиллар ёнида пайдо бўлган қиз “ҳозир завод ходимлари қанақа мошиналарда юришларини билиб оламиз” дея оқ халатли ходимга юзланади: “Бу кимнинг мошинаси?” “Қадокловчиники”, “Бунисичи?” “Термокамера бошқарувчисиники”, “Бучи?” “Бу вакумчиники”, “Мана бучи?” “Бу пиширувчиники”, “Сизники қайси бири?” “Шу меники-да...” Вав дея давом этади қиз: “Мана бу мошина кимники?” “Директоримизники.” “Кобалт легенда” деб қўйди қиз худди ўз мошинасини мақтагандек.

Хўш, бизга исми-шарифи, касби-кори номаълум бўлган қиз бу билан нима демокчи бўлди? Бу ҳозирча бизга ҳам қоронғи.

Иккинчи лавҳа: Қиз сўрашда давом этади: (Қаерга келганини билмагандай). “Хилол” колбасаси шу ердан чиқадими?” Завод ходими: “Ҳа, шу ердан. Ҳозир сизни ишлаб чиқариш жараёни билан таништираман.” Улар корхона ичига кирадилар. Ходим қизга оқ халат тутади. (Эътибор беринг). “Кийиш мажбурийми?” сўрайди қиз. “Тартиб шунақа” жавоб беради ходим.

Улар қўлларини ювиб, пойафзал устидан кийиладиган “баҳила”(!) ни унутиб, цехга кирадилар. “Бу нима?”(!) сўрайди қиз қозондаги масаллиғни кўрсатиб. Ходим: “Товуқ гўштидан тайёрланадиган сосиска масаллиғи.” Қиз: “Ҳар куни эрталаб ейдиган сосискамиз қанақа тайёрланишини билмас(!) эканмиз-а.” Шундан сўнг қиз э йўқ, бе йўқ, ишчиларнинг ҳар биридан туғилган йилини(!) сўраб чиқиб, тайёр маҳсулотлар олдида тўхтаб, дейди: “Бу ерда эллиқдан ортиқ (!) турдаги колбаса маҳсулотлари тайёрланади. Уларни пойтахтнинг барча дўконларидан (!) харид қилиш мумкин.” Ходим қизга осиб қўйилган колбаса ва сосискаларни кўрсатиб, “Корхонамизда уч юз хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади” дейди. Ким ҳақ, қизми ё корхона ходими?

Учинчи лавҳа: Қиз “Колбасачи”(бу дўкон Бекобод ёки Янгийўлда бўлса керак. Ҳар ҳолда Тошкент шаҳрида эмас) дўкони сотувчисига юзланади. Қиз: “Ока, мана бу колбасаларни скидкада ҳисоблаб беринг.” Сотувчи: (Ҳайрон бўлиб) “Скидкада?” Қиз: “Мени танимадингизми?” Сотувчи: “Йўқ!” Қиз: “Вой, ўша куни (!) мана шу йўлдан оппоқ треккерда кетаётган эдингиз. Светафорда мен ўтирган яшил рангли 38-автобус олдида турган мошина ҳайдовчиси билан саломлашдингиз, эсладингизми? Сотувчи: “ҳа, у танишим эди.” Қиз: “Ана, ўша мошина орқасидаги автобуснинг охирида мен наушникда музыка эшитиб, сизга қараб турувдим.Энди танидингизми?” Сотувчи: (Қизнинг кўлидан колбасаларни тортиб олиб) ,“Менга қара, қани сур беттан. Э, ўша...”

Тўртинчи лавҳа: Ўша қиз “Хилол” колбаса маҳсулотлари сотиладиган “Колбасачи”дўконига (Олдин ҳам бир неча бор кирган) кириб сўрайди. Қиз: Сизларда “Хилол” колбасалари (!) борми? Сотувчи: “Бор”. Қиз: “Сервилат борми?”, Сотувчи: “Бор”, Қиз: “Индейка борми?”, Сотувчи: (Тоқати тоқ бўлиб) “Бор”, Қиз: “Сосиска борми?”, Сотувчи: “Бор”, Қиз: “Китнинг гўшти-

дан қилинган сосиска борми?”, Сотувчи: “Йўқ!”, Қиз:” Вай, бўлганда олардим. ...”

“Колбасачи” дўконига бир марта кирган одам бу ерда фақат “Хилол” колбаса маҳсулотлари сотилишини яхши эслаб қолиши шубҳасиз. Биз ҳамон кимлигини билмаган “блогер” қиз бу дўконга қайта-қайта кираётганига қарамай, куппа-кундуз куни кап-катта одамни калака қилиб, бераётган саволларига қаранг! Сотувчининг сабр-тоқатига тасанно. “Хилол” корхонаси маҳсулотлари фақат мол ва товук гўшtidан тайёрланишини неча бор ўз кўзи билан кўрган ва эшитган одам унинг дўконига кириб, майнабозлик қилиб, бунинг устига кит гўшtidан тайёрланган сосиска сўраса, “бу қизнинг эс-хуши жойидамикан” деган хаёлга бормайсизми? Борасиз!

“Хилол”нинг инстаграмидан жой олган бундай бачкана ва мантисдан йироқ бўлган мақсадсиз видеоларлар донг чиқарган ўн икки йиллик замонавий корхонага ярашармикан? Исми-шарифи номаълум, дид-фаросат, саводи ҳаминқадар бўлган ва ўзини “Мулатка” деб таништирган бу “блогер” қиз инстаграмда унинг артист ва бошловчи эканлиги ҳам ёзиб қўйилган. Артист ва бошловчилик маданияти-ю, маҳорати хатти-ҳаракатлари-ю, гап-сўзларида йилт этиб кўринмаган Мулатканинг “истеъдоди” корхона раҳбарларини ё ҳайратга солган ё довдиратиб қўйганга ўхшайди. Акс ҳолда корхона ходими ўздан тортиб, директоригача қимматбаҳо машиналари борлигини кўз-кўз қилиб, мақтанмас эди.

Энг муҳими, “Хилол” раҳбарлари ўзлари кашф этган “блогер”нинг “бу корхона маҳсулотларини Тошкент шаҳридаги барча дўконлардан харид қилишлари мумкин” деган сафсатасини қандай баҳолайдилар? Интернет маълумотларидан маълум бўлдики, “Хилол” маҳсулотлари асосан республика вилоятларига чиқарилар экан. Балки, вилоятлардан кўпроқ даромад олинаётгандир. Агар, корхона энг замонавий технологиялар бўйича сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлса, нега улар пойтахт озиқ-овқат дўконларида сотилмаяпти? Ёки пойтахт аҳолиси бегонами? Эҳтимол, “Хилол” колбаса маҳсулотлари корхонаси чиндан ёпиқ ишлаб-чиқарувчи ҳисобланар. Бу каби саволлар озиқ-овқат масалалари билан шуғулланадиган Тошкент шаҳри ва республика ташкилотларини қизиқтирмасмикан? Корхона пойтахтда фаолият кўрсатса-ю, унинг маҳсулотларидан тошкентликлар баҳраманд бўлмаса, хафа бўлишмайдами? Кўриб қўйинг, биз мана шунақа кулинг ўргилсин машиналарда юрамиз деган “Хилол” колбаса маҳсулотлари мутасаддилари бу ҳақда ҳимматли бир қарорга келсалар ёмон бўлмас эди.

Нуриддин ОЧИЛОВ